

Рамазон ойида энг яхши озуқа хурмо



14:00 / 30.03.2023 2621

Исломда буюрилган, савоб олинадиган, рўзадорга мағфират ва жаннат эшикларини очадиган ҳақиқий рўза таомдан, ичимликдан ва аёлларга яқинлик қилишдан ўзини тийишдангина иборат эмас. Баъзи одамлар парҳез қилиш мақсадида ёки соғлиқни тиклаш учун, ёки зулмга қаршилик маъносида, ёки урф-одатларга эргашиб ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларда рўза тутишади. Лекин Ислом буларнинг бирортасига **«тош босадиган амал»** деб қарамайди. Ислом мезонидаги эътиборли рўза иймон билан, савоб умидида, яъни Аллоҳнинг ваъдасини тасдиқлаб, Аллоҳ ҳузуридаги нарсанинг талабида тутилган рўзадир.

Агар Рамазон ойи кирса, имом Зухрий: **«Ушбу Рамазон ойи Қуръон тиловат қилинадиган ва таом улашиладиган ой»**, деб айтар эдилар.

Агар Рамазонда фаҳш ва одобсиз нарсаларни кўрсатадиган каналлардан четланишни, бомдод намози ва ундан олдинги саҳарликка куч йиғишни ният қилиб ухласанг ҳамда таҳорат ҳамда зикр билан ухласанг, бу уйқунг ибодат ҳисобланади!

Илмий изланишлар натижасига қараганда, Рамазон ойида рўзадор учун энг яхши озуқа хурмо бўлиб, сув билан бирга ейилган хурмо эса рўзадор оғиз очгандаги энг афзал таом экан. Чунки хурмонинг таркибида инсон танаси учун зарур бўлган бир неча хил витамин, ширинлик ва минераллар мавжуд экан. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон сизлардан бирортангиз оғиз очса, хурмо билан очсин. Агар хурмо топа олмаса, сув билан очсин, чунки у покловчидир»**, деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга унинг ажрича ажр бўлур. Рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас»**, дедилар.

Имом Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда рўзадор кишига ифторлиги учун таом бериш улкан савобли иш экани таъкидланмоқда. Рўза тутган одамга қанча савоб берилса, унга ифторлик ҳозирлаб берган одамга ҳам шунча савоб берилиши баён қилинмоқда. Унга рўзадорнинг савобидан олиб берилмайди, балки ўзига алоҳида савоб берилади. Лекин бу ўзи рўза тутмай, рўзадорга ифторлик қилиб берса, рўза тутган ўрнига ўтади, дегани эмас. Рўза тутиш ҳар бир инсон учун фарздир. Ҳар ким ўзига фарз қилинган рўзани ўзи тутиши керак. Бошқа ҳеч нарса бунинг ўрнини боса олмайди. Рўзадорга ифторлик бериш эса фақат хайр-эҳсон ҳисобланади. Бу ишни қилган одам шунга яраша савоб олади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир» (Бақара сураси, 184-оят).

Бир саҳролик арабдан: **«Бундай иссиқ кунда қандай қилиб рўза тутяпсан?!»** деб сўрашди. У: **«Бундан ҳам иссиқ кун (яъни Қиёмат кун**

омонда қолиш) учун рўза тутяпман», деб жавоб берган экан.

Аллоҳим, рўза тутишда, Рамазон ойи кечаларида ибодатда қоим бўлишда, кўзни сақлашда ва тилни сақлашда бизга Ўзинг ёрдам бергин.